



“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“Toshkentdonmahsulotlari” АЖНИНГ  
2014 йил 26 декабрдаги  
Акциядорларнинг навбатдан  
ташқари умумий йиғилишининг  
37 - сон баённомаси билан



## “TOSHKENTDONMAHSULOTLARI” aksiyadorlik jamiyatining

### У С Т А В И

(янги таҳрир)

## 1-модда.

### Жамиятнинг тўлиқ ва қисқартма номи, жойлашган манзили, хукукий ҳолати

1.1. Тўлиқ номи: - "Toshkentdonmahsulotlari" aksiyadorlik jamiyat; қисқартма номи - "TDM" AJ.

Жойлашган манзили (почта манзилгохи): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Пахлавон Махмуд 2-тор кўчаси, 33 уй.

Жамият сайти [www.TDM.uz](http://www.TDM.uz), электрон почта манзили- [info@TDM.uz](mailto:info@TDM.uz).

1.2. Акциядорлик жамиятини тузиш, унинг фаолияти ва уни тугатиш, акциядорларнинг хукукларини химоя килиш билан боғлик муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги конуни, Ўзбекистон Республикасининг бошка конунлари ва мазкур Устав билан тартибга солинади.

1.3 Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустакил балансида хисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда дъявогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Жамият давлат рўйхатидан ўtkazilgan пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият, чекланмаган муддатга тузилади.

1.4 Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташкарида банк хисобвараклари очишига ҳақлидир. Жамият ўзининг ташкилий-хукукий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига эга бўлади ва қисқартирилган фирма номига эга бўлиши мумкин. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалок мухрга эга бўлиши лозим. Мухрда бир вактнинг ўзида фирманинг номи бошка исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўtkazilgan товар белгисига ҳамда фукаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошка воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.5 Жамиятнинг жойлашган ери, у давлат рўйхатидан ўtkazilgan жойга кўра белгиланади. Жамият у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига ва электрон почта манзилига эга бўлиши лозим.

1.6. "Toshkentdonmahsulotlari" AJ, бундан бўён «Жамият», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22 апрел 1994 йилдаги «Ўзноммаҳсулот» Давлат Концернини «Ўзноммаҳсулот» Давлат Акциядорлик Корпорациясига қайта тузиш тўғрисида»ги N ПФ-840 фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб қувватлаш кўмитасининг 27 апрел 1995 йилдаги № 123 к – ПО қарорига асосан давлат мулкининг қайта тузилиши натижасида ташкил килинган.

1.7 Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

## 2 - модда.

### Фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади

2.1. Жамият фаолиятининг предмети, мақсадлари ва асосий йўналишлари кўйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси хукумати қарорларига асосан давлат эктиёжлари учун дон ва ургуларни сотиб олиш, жойлаштириш, саклаш ва қайта ишлашни таъминлаш;
- ун, омухта ем, кондицион ургулар, макарон махсулотлари, нон ва нон махсулотлари, кандолат махсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- дон махсулотларини саклаш, қайта ишлаш ва сотиш;
- улгуржи ва чакана савдо, тижорат ва воситачилик фаолиятини олиб бориш;



- транспорт хизматларини кўрсатиш;
- ўсимликларни химоя килувчи биологик моддаларни ишлаб чиқариш (трихограмма, златоглазка) паррандачилик;
- кишлок хўжалиги соҳасидаги фаолият;
- ташки иктиносидий фаолият.

2.2. Жамиятнинг асосий мақсади жамиятнинг умумхўжалик фаолиятидан фойда олиш хисобланади.

2.3. Шугулланиш учун маҳсус рухсатномалар (лицензия) талаб этиладиган фаолият турлари Жамият томонидан факат керакли ҳужжатларни олгандан сўнггина амалга оширилади.

### **3- модда.**

**Устав фондининг (устав капиталининг) миқдори, жамият акцияларининг сони, номинал қиймати. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ва камайтириш**

3.1 Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2 Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.3 Мазкур уставни рўйхатдан ўтказиш пайтига Жамият томонидан умумий қиймати 2957222100 сўмга тенг бўлган 9 795 927 дона оддий акция ва 61 480 дона имтиёзли акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган бўлиб, акция номинал қиймати 300 сўм.

3.4 Жамиятнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон килинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон килинган акциялари миқдори - номинал қиймати 300 сўм бўлган 9 857 407 дона оддий акциялардан иборат.

3.6. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги карорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташкири бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун кабул килинган тўлов воситаларини кайтариш тартиби белгиланади.

3.7. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик обуна усули билан белгиланган тартибда фукаролик-хукукий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташкири бозорда жойлаштирилади.

3.8. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида карор кабул килишида акцияларни жойлаштириш (кимматли көғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташкири бозорига чиқариш) нархи жамият акциядорларининг умумий йигилиши ёки кузатув кенгаши томонидан, агар жамият уставига ёки акциядорларнинг умумий йигилиши карорига мувофиқ кузатув кенгашига бундай ваколат берилган бўлса, кимматли көғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқкан холда белгиланади, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

Жамиятнинг кўшимча акциялари ва бошка кимматли көғозларини жойлаштириш чогида уларга ҳак тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги карорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади

3.9. Жамиятнинг акцияларини ва бошка кимматли көғозларини жойлаштириш чогида уларга ҳак тўлаш пул ва бошка тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хукуклар (шу жумладан мулкий хукуклар) оркали амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш чогида унинг акцияларига ҳак тўлаш тартиби жамиятни ташкил этиш

тұтрасидаги таъсис шартномасыда (үзгартыш тұтрасидаги карорда) ёки жамият уставыда, күшімча акциялар ва бошка кимматли қоғозларга ҳак тұлаш эса, уларни чикариш тұтрасидаги карорда белгилаб күйилади.

3.10. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал кийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.11. Агар устав капиталини камайтириш натижасыда унинг миқдори конун хужжатларыда белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга хакли эмас.

3.12. Устав капиталини камайтириш тұтрасида карор кабул килган вактда акциядорларнинг умумий йигилиши устав капиталини камайтириш сабабларини күрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

#### 4 - модда.

##### Жамият акцияларининг турлари ва улар бўйича дивидендлар тұлаш тартиби

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, эмиссиявий кимматли қоғозлар хисобланади.

4.2. Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига ҳар йили акциялар номинал кийматининг 25 фоизи миқдорида дивиденд олиш хукукини беради.

4.3. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тутатилган тақдирда унинг мулклари таксимланётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк таксимоти амалга оширилгунга келади ўз акцияларининг номинал кийматини оладилар.

4.4. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор кийматига мувофик белгиланади.

4.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра пул маблаглари ёки бошка зонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг кимматли қоғозлари билан тұланиши мумкин.

4.6. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни кимматли қоғозлар билан тұлашга йўл кўйилмайди.

4.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда таксимланади.

4.8. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўккиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тұлаш тұтрасида карор кабул килишга хакли. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўккиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тұлаш тұтрасидаги карори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичиди кабул килиниши мумкин.

4.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тұлаш, дивиденднинг миқдори, уни тұлаш шакли ва тартиби тұтрасидаги карор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий хисоботнинг ишончлилиги хакида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий хисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан кабул килинади.

4.10. Дивидендлар тұлаш тұтрасидаги карорда дивидендлар тұлаш бошланадиган ва тутапланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Дивидендларни тұлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тұлаш муддати шундай карор кабул килинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

#### 5 - модда.

##### Жамиятнинг захира фонди

5.1. Жамият соғ фойда хисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йигилишида аникланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошка фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошка маблаглар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўринини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чикариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тұлаш ва жамиятнинг акцияларини кайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошка максадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиз миқдорда жамият захира фонди тузилади.

5.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган мидорга етгунига кадар жар йили соф фойдадан 5 фоиз мидорида ажратмалар ўтказади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

#### 6 - модда.

#### Жамият бошқарувининг тузилмаси



#### 7 - модда.

#### Жамиятнинг бошқарув органлари.

7.1 Акциядорларнинг умумий йигилиши, кузатув кенгаси ва ижроия органи жамиятнинг бошқарув органларидир.

7.2 Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юкори бошқарув органидир.

7.3 Жамиятнинг кузатув кенгаси жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ушбу Конун ва жамият устави билан акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

7.4 Жамиятнинг ижроия органи жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик килувчи, акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этувчи орган.

#### 8 - модда.

#### Акциядорларнинг умумий йигилиши

8.1 Жамият хар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт.

8.2 Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг йиллик хисоботи ва бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.

8.3 Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташкари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташкари йигилишлардир.

8.4 Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йигилиш ўтказилиши жакида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вактида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

8.5 Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

жамият уставига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни кайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва жуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш;

эълон килинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

жамият тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатини муддатидан илгари тутатиш, шунингдек тафтишчи тўгрисидаги низомни тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик хисоботини тасдиқлаш;

жамиятнинг фойдаси ва заарларини таксимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва тафтишчисининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошкаришга доир конун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг хисоботларини ва тафтишчисининг хулосаларини эшлиш;

имтиёзли хукукни кўлламаслик тўгрисида карорни қабул килиш;

акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

хукукларини химоя килиш конунчиликда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўгрисида карор қабул килиш;

конун хужжатларига мувоғик бошка масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал килиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгashi ҳал килиши учун берилиши мумкин эмас.

8.6 Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик килувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгashi ва тафтишчилигига бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳакли. Акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига масала уни кўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

8.7 Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамиятнинг кузатув кенгashi конунчиликка асосан умумий йигилишни чакиравчи шахслар куйидагиларни белгилайди:

умумий йигилиш ўтказиладиган сана, вакт ва жойни;

умумий йигилишнинг кун тартибини;

умумий йигилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шаклантириладиган санани;

умумий йигилиш ўтказилиши хақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар килиш тартибини;

умумий йигилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига такдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоz бериш бюллетенининг шакли ва матнини.



Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошка масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

8.8. Овозларни санаб чикиш, акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатта олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини таркатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланади. Санок комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтишчиси, жамият директори, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмес. Санок комиссияси акциядорларнинг умумий йигилишида кворум бор ёки йўклигини ишклайди, умумий йигилишда овоз бериш хукукларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш хукукларини таъминлайди, овозларни санаб чикади ва овоз бериш якунларини чиқаради, овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади.

8.9. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари оркали амалга оширилади. Акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш холлари бундан мустасно. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши жамият кузатув кенгаши томонидан чакирилмаган холлар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йигилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

8.10. Овоз бериш якунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йигилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади. Овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йигилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги хисоботни эълон килиш оркали акциядорлар эътиборига етказилади. Овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳранади ҳамда саклаб қўйиш учун жамиятнинг архивига топширилади. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йигилишининг баённомасига кўшиб қўйилиши лозим.

8.11. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай умумий йигилиш котиби икки нусхада тузади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йигилишда раислик килувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йигилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик килувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йигилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йигилишнинг раиси ва котиби, йигилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йигилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий масалалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йигилиш қабул килган карорлар кўрсатилиши лозим.

## 9-модда.

### Жамиятнинг кузатув кенгаши



9.1 Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ушбу Конун ва жамият устави билан акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

9.2 Акциядорлар умумий йигилишининг карорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳак тўланиши ва кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлик харажатлари копланади. Бундай ҳак ва тўловларнинг микдорлари акциядорларнинг умумий йигилиши карори билан «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низомда белгилаб кўйилади.

9.3 Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташкари умумий йигилишларини чакириш;

акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши хакида хабар килиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини химоя килиш тўғрисида»ги Ўз.Р. Конунг 59-моддаси биринчи кисмининг иккинчи хатбоҳисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал килиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор кийматини белгилашни ташкил этиш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиклаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиши назарда тутилган бўлса;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек хар чоракда унинг ҳисботларини эшлишиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига даҳлдор хар кандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳакнинг энг кўп микдорини белгилаш хакида карор қабул килиш

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳак ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошка фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини химоя килиш тўғрисида»ги Ўз.Р. Конуннинг назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш хакида карор қабул килиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини кайтариб сотиб олиш тўғрисида карор қабул килиш.

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлик ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал килиш;

эмиссион қимматли қоғозлар чикариш карори ва эмиссия рисоласини тасдиклаш;

аввал давлат рўйихатига олинган қимматли қоғозлар чикариш карори ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар киритиш

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга ширбошланадиган облигациялар чикариш тўғрисида қарор қабул килиш;

қимматли қоғозларнинг хосилаларини чикариш тўғрисида қарор қабул килиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини кайтариб сотиб олиш тўғрисида карор қабул килиш;



жамиятнинг ижроия органини директорни сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ижроия органига тўланадиган ҳак ва компенсацияларнинг микдорларини белгилаш; жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўгрисида»ги Ўз.Р. Конун ва жамият “Кузатув кенгаши” тўгрисидаги низомга мувофик бошка масалаларни ҳал этиш хам киритилиши мумкин.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал килиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

9.4 Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йил муддатта сайланади. Жамият кузатув кенгашининг микдор таркиби 9 кишидан иборат. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш оркали амалга оширилади.

9.5 Жамият кузатув кенгашининг раиси ва котиби, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаши таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Жамиятнинг кузатув кенгаши, ўз раисини ва котибини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳакли.

9.6 Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик килади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, агар жамият уставида ўзгача коида назарда тутилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилишида раислик килади. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

9.7 Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чакириш ва ўтказиш тартиби:

- жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтишчисининг, директорнинг жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 5 % эгалик килувчи акциядорлар (акциядор) талабига кўра чакирилади.

- жамият кузатув кенгашининг мажлиси вазиятга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта чакирилади. Кузатув кенгашининг мажлисида кузатув кенгаши аъзолари, кузатув кенгаши томонидан таклиф килинганлар: тафтишчиси, жамият директори, жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 %га эга бўлган акциядор (акциядорлар) ва бошка шахслар катнашиши мумкин.

- кузатув кенгаши мажлисида жамият фаолиятига умумий раҳбарликка тегишли масалалар ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя килиш тўгрисида»ги Ўз.Р. Конун ва мазкур уставга асосан кузатув кенгаши ваколатларига кирадиган масалалар ҳал килинади. Жамиятнинг ижроия органи кузатув кенгаши мажлисини ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнида барча хужжатарни (маълумотларни) тайёрлайди ва тақдим этади.

- Жамият кузатув кенгаши ҳар чоракда тинглайди:

1) якка тартибдаги ижроия органининг жамият молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режасини бажарилиш тўгрисидаги хисоботини;

2) жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек конун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя килиниши тўгрисидаги тафтишчини хulosани;

3) жамият ички аудит хизматининг бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботларда акс этирилган маълумотларнинг тўғри юритилиши, ижроия органи томонидан қонунчиликка, таъсис ва бошка хужжатларга риоя этилаётганлиги, хўжалик фаолиятини юритишда ўрнатилган тамоил ва коидаларининг тўликлигини таъминланганлиги, активларнинг сакланганлиги, ҳамда жамиятни бошкаришда қонунчиликда ўрнатилган талабларга риоя этилиши тўгрисидаги хисоботларни тинглайди ва тақдим килинган хисоботларга асосан хисобот давридаги ижроия органининг фаолиятини баҳолайди ва тегишли карорлар қабул килади.



- Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган микдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг колган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўғрисида карор кабул килишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтингча бажарувчини тайинлашга хаклиди.

- Жамият кузатув кенгашининг мажлисида карорлар, агар кузатув кенгашининг мажлисини чакириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Ўз.Р. Конунда, жамият уставида ўзгача коида назарда тутилмаган бўлса, мажлисида хозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан кабул килинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг хар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Ўз.Р. Конун 18-моддасининг иккинчи ва тўртинчи кисмларида, 30, 84, 88- моддаларида кўрсатилган масалалар бўйича карор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан кабул килинади. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошка аъзосига беришига йўл кўйилмайди. Жамият уставида жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан карор кабул килишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал килувчи овоз хукуки назарда тутилади.

9.8 Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай кузатув кенгашининг котиби тузади. Мажлис баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вакт ва жой;

мажлисида хозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга кўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

кабул килинган карорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлиснинг баённомаси мажлисида иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўгри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Жамият кузатув кенгашининг карорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан кабул килиниши мумкин. Жамият кузатув кенгаши мажлиснинг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йигилишини чакириш тўғрисида карор кабул килган тақдирда мазкур карор хакидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказилдиган куни топширилади.

## 10-модда.

### Жамиятнинг ижроия органи - директор

10.1 Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик килиш ваколати жамиятнинг уставида белгиланадиган директор томонидан амалга оширилади. Жамият ижроия органи акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгашининг карорлари бажарилишини ташкил этади, ўз фаолиятида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Ўз.Р. Конунга, мазкур уставга ва жамиятнинг «Жамиятнинг ижроия органи тўғрисида» ги низомига таянган ҳолда фаолият юритади.

10.2 Жамият ижроия органининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик килишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно. Жамиятнинг директори жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг мафтаатларини ифодалайди, жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиклайди, жамиятнинг барча маддимлари бажариши мажбурий бўлган бўйруклар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

10.3 Жамиятнинг ижроия органларини тузиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган.

10.4 Жамият директорининг ҳукук ва мажбуриятлари тегишинча «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Ўз.Р. Конун ва бошка конун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда унинг жамият билан бир йил муддатта тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал килиш муддатини узайтириш ёки уни бекор килиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили карор қабул килинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг директори билан тузилалигандан шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш кандай бораётгандиги юзасидан акциядорларнинг умумий йигилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган-хисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

10.5 Мазкур уставга асосан директор:

- акциядорлик жамият номидан ишончномасиз фаолият юритиш, бошка ташкилот ва органлар билан алокада унинг манфаатларини ифодалайди;
- ўз ваколати чегарасида мол-мулк, пул маблагларини тасарруф этиш;
- битимлар ва шартномалар, шу билан бирга меҳнат шартномаларини тузиш, бекор килиш;
- ишончномалар бериш;
- банкларда хисоб ва бошка ракамлар очиш;
- ўзига бўйсинувчи барча ходимларга мажбурий бўлган фармон ва кўрсатмалар қабул қилиш;
- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни тўлдириш;
- жамиятининг бошкарув ва ишлаб чиқариш ходимлар сонини, жамият ходимларининг иш хаки фондини, иш хақи микдорини аниқлаш;
- кузатув кенгашига филиал бошкарувчиси, корпоратив маслаҳатчи, жамият ички аудитор хизмати аудиторлари лавозимига номзодларни, ҳамда ташки аудиторлик ташкилотини куриб чиқиш учун таклифлар киритиш, улар билан меҳнат шартномаларини (битимларини) тузиш ва бекор килиш;
- ички меъёрий, локал ҳужжатларни ўз ваколати доирасига кирувчи жамият ҳужжатларини тасдиқлаш;
- ва Ўзбекистон Республикаси конунчилигига асосан бошка ҳукукларга эга.

10.6 Мазкур уставга асосан директор куйидаги мажбуриятларга эга:

- лавозими мажбуриятларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси конунчилигига, уставга, жамият ички меъёрларига ва локал ҳужжатларга, жамият билан тузилган меҳнат шартномасига таянган холда фаолият олиб боради;
- жамият акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгаши қарорларини бажаришни ташкиллаштириш;
- акциядорлар умумий йигилишига белгиланган муддатларда жамият молиявий-хўжалик фаолияти бўйича йиллик хисобот ва жорий йилда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш бўйича хисоботларни тақдим этиш;
- жамият кузатув кенгашига жамият молиявий-хўжалик фаолияти бўйича чоракли хисоботларни, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш бўйича хисобот, ҳамда кузатув кенгаши ваколатига тегишли масалалар ҳолати бўйича хисобот бериш;
- жамият молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли ҳужжатларни жамият кузатув кенгаши, тафтишчи ва аудитори талабига биноан тақдим этиш;
- акциядорларнинг амалдаги конунларда назарда тутилган маълумотларни олиш; акциядорлар умумий йигилишида қатнашиш, дивидендларни хисоблаш ва олиш ҳукукларига риоя этилишини таъминлаш;
- жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик килиш, жамиятнинг барча бўлимлари, цехлари ва таркибий бўлинмаларининг иш самарадорлигини оширишни таъминлаш;
- жамият фаолиятида конунчилик талабларига риоя килишни таъминлаш;
- жамият ижроия органининг мажлисларини ўтказишни ташкиллаштириш ва уларга раислик келиш;



- жамиятният көлгүсі мавсумда жамият ривожланишининг бизнес-режасини ишлаб чикишга раҳбарлик килиш, жамиятнинг тасдикланган жорий бизнес-режасини бажаришни ташкиллаштириш ва назорат килиш;
  - жамият томонидан ишлаб чикаришни ривожлантириш ва ижтимоий сохани ривожлантиришга етарли даражада фойда олинишини таъминлаш;
  - жамият томонидан шартнома юзасидан олинган мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш;
  - жамиятда бухгалтерия хисоби ва статистик хисоботларнинг аниклилигини ва тегишли равишләгі холатини ташкиллаштириш, тегишли органларга давлат статистик хисоботларни, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошка маълумот олувчиларга жамият фаолияти тұтынисидаги ахборотларни ўз вактида топширишни таъминлаш;
  - жамоа шартномасини тузишда иш берувчи бўлиб катнашиш, музокараларда ижроия орган аъзоларининг иштирок этишини таъминлаш;
  - жамоа шартномаси мажбуриятлари ва жамиятнинг ички тартиб коидаларига риоя килинишини таъминлаш;
  - жамиятда меҳнатни химоя килиш мельёрлари, техник хавфсизлик, меҳнат ва технологик интизомга риоя килинишини таъминлаш;
  - жамиятнинг технологик ускуналари ва бошка активлардан тұғри фойдаланиш ва уларнинг бутлигини таъминлаш;
  - жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билимлари, малакалари, тажрибалари ва кобиляйтларидан аъло даражада фойдаланиш бўйича чора - тадбирлар кўриш;
- жамиятнинг тижорат сирларини ташкил этувчи ахборотларни саклаш ва жамият ходимлари томонидан сакланишини таъминлаш;
- узок муддатли хизмат сафарлари ва таътил вактларидан фойдаланишни кузатув кенгаши билан келишиш. Кузатув кенгашига ўзи йўклигига унинг вазифасини бажарувчи хакида хабар бериш.

10.7. Жамиятнинг директорига тұланадиган ҳак микдори, жамият фаолиятининг самарадорлигига тұғридан-тұғри боғлик бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак. Жамиятнинг директори вазифаларини бошка ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл кўйилади.

10.8. Акциядорларнинг умумий йигилиши ёки жамият кузатув кенгаши жамиятнинг директори билан тузилган шартномани шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишига (бекор килишга) ҳакли. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг директори билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (харакатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор килиш) хукукига эга.

## 11 -модда.

### Тафтишчи

11.1 Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат килиш учун жамият уставига мувофик акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йил муддатга тафтишчи сайланади.

11.2 Жамият тафтишчисига кўйиладиган талаблар:

- аудиторлик сертификати;
- олий маълумот, бухгалтерия соҳасида иш стажи.

11.3 Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтишчиликка кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

11.4 Жамият тафтишчиси бир вактнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

11.5 Жамият тафтишчисининг ваколат доираси ва фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдикланадиган низомда белгиланади.

11.6. Тафтишчи кўйидаги хукукларга эга:

- ўз хошишига кўра, акциядорлар умумий йигилишининг карорига кўра, кузатув кенгаши, ёки овоз берувчи акцияларнинг камида 5 % эга бўлган акциядор (акциядорлар) талабига кўра йил

якунлари, ёки бошка давр бўйича жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича текширув (тафтиш) ўтказиш;

- қуидаги ҳолларда кузатув кенгаши, ижроия орган ваколатларини муддатидан олдин тутатиш бўйича навбатдан ташкари акциядорлар умумий йигилишини чакиришни талаб килиш:

- а) Ўзбекистон Республикаси конунчилигига, уставга ва акциядорлар умумий йигилиши карорига риоя этмаслик;
  - б) жамиятта заар келтириш ва акциядорларнинг мулкий ҳукукига зиён келтириш, жумладан молиявий-хўжалик фаолиятининг ёмонлашиши, фойданинг ва ишлаб чиқариш рентабеллигининг камайиши билан боғлик ҳолларда;
  - в) жамиятнинг иктисадий ночор (банкрот)лик юзага келиш аломатлари ва хавфи мавжуд бўлганда, давлат бюджети, бюджетдан ташкари фонdlар ва жамият ходимлари иш хакини тўлаш бўйича барқарор карз мавжуд бўлган тақдирда.
- ва Ўзбекистон Республикаси конунчилига асосан бошка ҳолларда.

Мажбур:

- ўз мажбуриятларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси конунлари, жамият устави, ички меъёрий ҳужжатлари ва локал ҳужжатларига таянган ҳолда фаолият олиб бориши;
- текширилаётган давр учун жамият молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича, ўзида қуидагиларни мужассам этган хисоботларни бериш:

- а) жамиятнинг хисоботларида ва бошка молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишонччилигига доир баҳо;
  - б) бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда конун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот;
  - в) жамиятнинг айrim цех ва бўлимлари молиявий-хўжалик фаолиятининг заар келтираётганлиги, норентабеллиги тўғрисидаги маълумот;
  - г) хисобланадаётган маҳсулот бўйича алоҳида кисмлар ва маъмурий харажатлар сметасидаги ортиқча харажатлар тўғрисидаги маълумотлар;
- ациядорлар умумий йигилишига молиявий-хўжалик фаолият юритилишининг тўғрилиги ва бухгалтерия балансида, молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботда келтирилган ахборотларнинг аниклилиги тўғрисидаги хисоботни тақдим килиши;
  - ва Ўзбекистон Республикаси конунчилигига асосан бошка мажбуриятлар.

## 12 -модда. Якуний кондалар

12.1. Устав бўйича келиб чикадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги конун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал килинади,

12.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал килиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал килинади.

12.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вактдан бошлаб кучга киради

12.4 Мазкур уставда кўрсатилмаган жамият фаолиятига тегишли бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Конунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошка конуний ҳужжатларига асосан ҳал килинади.

«Toshkentdonmahsulotlari» АЖ  
Кузатув кенгаши раиси



*Узбеки*

Меликов У.

